

وَعَنْ أَبِي رِبْعَيْ حَنْظَلَةَ بْنِ الرَّبِيعِ الْأُسَيْدِيِّ الْكَاتِبِ أَحَدِ كُتَّابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَقِينِي أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ: كَيْفَ أَنْتَ يَا حَنْظَلَةُ؟ قُلْتُ: نَافِقَ حَنْظَلَةُ، قَالَ: سُبْحَانَ اللَّهِ، مَا تَقُولُ؟! قُلْتُ: نَكُونُ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكَرِّرُنَا بِالجَنَّةِ وَالنَّارِ كَأَنَّا رَأَيْ عَيْنِ، فَإِذَا حَرَجْنَا مِنْ عِنْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَافَسْنَا الْأَزْوَاجَ وَالْأُوْلَادَ وَالضَّيْعَاتِ نَسِينَا كَثِيرًا، قَالَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: فَوَاللَّهِ؛ إِنَّا لَنَلْقَى مِثْلَ هَذَا، فَانطَلَقْتُ أَنَا وَأَبُو بَكْرٍ حَتَّى دَخَلْنَا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. قُلْتُ: نَافِقَ حَنْظَلَةُ يَا رَسُولَ اللَّهِ!! فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَمَا ذَاكُ؟» قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ نَكُونُ عِنْدَكَ تُكَرِّرُنَا بِالنَّارِ وَالجَنَّةِ كَأَنَّا رَأَيْ عَيْنِ، فَإِذَا حَرَجْنَا مِنْ عِنْدِكَ عَافَسْنَا الْأَزْوَاجَ وَالْأُوْلَادَ وَالضَّيْعَاتِ نَسِينَا كَثِيرًا. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَالَّذِي تَفْسِي بِيَدِهِ؛ إِنْ لَوْ تَدْعُونَ عَلَى مَا تَكُونُونَ عِنْدِي وَفِي الدِّكْرِ لصَافَحْتُكُمُ الْمَلَائِكَةُ عَلَى فُرْشَكُمْ وَفِي طُرُقِكُمْ، وَلَكِنْ يَا حَنْظَلَةُ سَاعَةً وَسَاعَةً» ثَلَاثَ مَرَّاتٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [2750].

قوله: (ربعيٍ) بكسير الراء، (والأسيدىٍ) بضم الهمزة وفتح السين وبعدها ياء مكسورة مشددة،

وقوله: (عَافَسْنَا) هُوَ بِالْعَيْنِ وَالسَّيْنِ الْمُهْمَاتَيْنِ؛ أَيْ: عَاجَلَنَا وَلَا عَبَنَا، (وَالضَّيْعَاتُ): الْمَعَايِشُ.

Абу Рибъий Ҳанзала ибн Робеъ Усайиидий розияллоҳу анҳу - у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг котибларидан эди - айтади:

«Абу Бакрни учратиб қолган эдим, «Қалайсан, Ҳанзала?» деди. Мен: «Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. У: «Субҳаналлоҳ! Нималар деяпсан?» деди. Мен: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бўлганимизда у зот бизга дўзах ва жаннатни эслатадилар, ҳатто уларни кўриб тургандек бўламиз. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидан чиқиб, аёлларимизга, бола-чақамизга, тирикчилигимизга аралашиб қолиб, кўп нарсани эсдан чиқарамиз», дедим.

Абу Бакр ҳам: «Аллоҳга қасам, биз ҳам худди шундай ҳолатга тушамиз», деди. Шунда Абу Бакр икковимиз бориб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдик. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, Ҳанзала муноғиқ бўлиб қолди», дедим. У зот: «Нима бўлди?» дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳузурингизда бўлганимизда бизга дўзах ва жаннатни эслатасиз. Ҳаттоки уларни кўз билан кўргандек бўламиз. Лекин ҳузурингиздан чиқиб, аёлларимизга, бола-чақамизга, тирикчилигимизга аралашиб қолиб, кўп нарсани эсдан чиқарамиз», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар сизлар доим менинг ҳузуримда бўлган ҳолатингизда ва (Аллоҳни) зикр қилишда бардавом бўлсангиз, ётогингизда ва йўлларингизда фаришталар сизлар билан қўл бериб кўришган бўлар эди. Лекин, эй Ҳанзала, (инсон қалби) гоҳ ундей, гоҳ бундай бўлади» деб, уч марта қайтардилар».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

